

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**

А Ж Р И М И

№ 3-1-1401-2005/172-2020

2020 йил июль ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов хайъати ўз биносида, “ZOOM” дастури таъминоти орқали очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи вилоят суди раисининг ўринбосари Ў.Мамадалиев, хайъат судьялари Ж.Ботиров ва Т.Кодировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Э.Негматовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Э.Султанов ва судланувчи И.М.нинг ҳимоячиси-адвокат А.Халиловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан судланувчи,

[REDACTED] куни Самарқанд шаҳрида туғилган, эрони, ўзбек тилини мукамал билади, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, мукаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 21 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 13 мартдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмаган 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, вақтинча ишсиз, [REDACTED] яшаган, иш бўйича унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси 2020 йил 24 февраль куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, бошқа жиноят иши бўйича 2019 йил 8 ноябрь кунидан ҳибсда сақланган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 8 февраль куни ва ҳукм нусхасини 2020 йил 2 июль куни олганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчи И.М. томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни;-



А Н И Қ Л А Д И:

И.М.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.М. хавфли рецидивист бўла туриб, 2015 йил 24 август куни Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан берилган АВ 0816306 серия рақамли фуқаролик паспортини олиб, шу паспорти билан Самарқанд вилоят ИИБ Миграция ва ФРБдан “Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи виза рухсатномаси”ни расмийлаштирмасдан, қонунга хилоф равишда 2018 йил 22 октябрь куни Бирлашган Араб Амирликлари давлатига бориб, у ердан 2018 йил 13 декабрь куни Озарбайжон Республикасига қайтиб келган.

Бундан ташқари, [REDACTED], ўзининг айбли ижтимоий хавфли қилмишини давом эттириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, 2019 йил 7 ноябрь куни қонунга хилоф равишда Туркия давлатига бориб, у ердан 2019 йил 8 ноябрь куни Туркия давлатидан Озарбайжон Республикасига келиб, Озарбайжон Республикасида 2020 йил 12 январь кунига қадар бўлиб, 2020 йил 12 январь куни “Баку-Тошкент” йўналишидаги авиарейсда И.Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига келганлиги тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Судланувчи И.М. апелляция шикоятда, унинг айбига иқрорлиги ва пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, қарамоғида 2-гуруҳ ногирони онаси борлигини инобатга олиб, тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турига алмаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Т.Кодировнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг шикоятдаги важлар асосиз бўлганлиги боис, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи И.М.нинг ҳимоячиси-адвокат А.Халиловнинг апелляция шикоятини қувватлаб, шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

И.М.нинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, муқаддам Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан бўлган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 21 сентябрь кундаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 13 март кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 18¹-моддасига асосан ўталмаган 3 йил муддатга озодликни чеклаш



жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилганлиги, маълумотномалар ва тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини тўлиқ топган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи И.М.нинг содир қилган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи И.М.нинг апелляция шикоятдаги, унинг айбига иқрорлиги ва пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, қарамоғида 2-гурух ногирони онаси борлигини инobatга олиб, тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турига алмаштириш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Чунки, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи И.М.га нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги,

26-бандида, “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инobatга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига амал қилган ҳолда, унинг шахсини, оилавий шароитини, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, шунингдек, суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлаб, такроран қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш жиноятини содир этганлиги боис судланувчи И.М.ни жамиятдан ажратмасдан туриб ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд эмас деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг камидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний ва адолатли тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати, шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹³, 497¹⁸-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати;

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:



Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2020 йил 24 июндаги [REDACTED]га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, судланувчи И.М. томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья: (имзо) **Ў.Мамадалиев**

Ҳайъат судьялари: (имзо) **Ж.Ботиров**

(имзо) **Т.Кодиров**

Аслига тўғри:

